

• Мавзу: **ҲАЁТ ФАОЛИЯТ
ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ХУКУКИЙ
АСОСЛАРИ, МАЗМУНИ ВА
МОХИЯТИ (меҳнат муҳофазаси).**

• *Режа:*

- 1. Кириш.
 - 2. Меҳнат муҳофазаси ҳақида қонунчилик асослари.
 - 3. Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи ташкилотлар.
 - 4. Меҳнат муҳофазаси қонунлари бузилганлиги учун жавобгарлик турлари.
-

• 1. Кириш.

- Мехнат мухофазаси бўлими Хаётий фаолият хавфсизлиги фанининг мутахассисликка тегишли асосий назарий қисмини беради. Аниқ муаммолар, транспорт воситалар, технологик жараёнлар, иш турлари, бино ва иншоотлар учун хавфсизликни таъминланлаш ҳар бир курснинг мутахассислик курсларида берилади.

“Мехнат мухофазаси” - “Эргономика”, муҳандислик технологияси”, ишни илмий ташкил қилиш”, “гигиена ва физиология”, “ҳуқуқшунослик”, “иқтисод”, “экология” ва бошқа фанлар билан ҳамбарчас боғлиқдир. Мехнат мухофазаси борасида илмий тадқиқот ишларини меҳнатни мухофазаси қилиш институти ва Олий укув юртлирининг ХФХ кафедралари, қуплаб медицина илмий -тадқиқот ташкилотларида олиб борилади. Одатда барча стандарт ва техник талабларга “Хавфсизлик техникаси” талаблари киритилади.

- Мехнат муҳофазасининг ривожланишида улуғ бобокалонларимиз - Абу-Али ибн Сино, Беруний, Бобур ва рус олимларидан Ломоносов М.В., замондошларимиздан Золотницкий Н.Д., Соловьев Н.В., Кельберт Д.А, Гинтилло В.Л., Гримитлин М.И., Набиев М.Н., Участкин П.В., Искандеров Т.И., Махкамов Р.Г., Зокиров Т.С., Алимова Х.А., Махсудов И.Т., Бульда Б.В., Ризаев Н.У. ва бошқаларининг хиссалари каттадир.

1992 йил 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамалакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларини ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққотининг иқтисодий асослари ва стратегик йуналишларини мустаҳкамламасдан туриб, демократик, ҳуқуқий суверен давлат бўла олмайди.

- Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътибор этилган меъёр ва талабларга жавоб беради дейиш учун тула асосларимиз бор” .
 - **Конституция** - бу давлатнинг Асосий қонуни бўлиб, унинг ижтимоий - сиёсий, ижтимоий - иқтисодий табиатини ифода этади.
 - Конституция - бу давлатнинг ҳуқуқий асосидир, унга мувофиқ аҳаимият ва бутун давлат тизимини фаолият курсатади. Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди ва ҳимоя қилади.
-

- Янги Конституциямиз туғрисида Республикамиз Президенти И.А. Каримов куйидагиларни таъкидлади:
“Асосий Конунимиз халкимизнинг иродасини, рухиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халкимиз тафаккури ва ижодинини махсулидир”.

- Конституцияда узбек халқи тарихий ва миллий кадриятларининг акс этиши.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳасини тайёрлашда ўзбек халқининг тарихий, миллий кадриятлари, анъаналари ва урф-одатлари, ахлоқи ва маданиятининг бошқа жихатлари ҳисобга олинди. “Темур тузуклари”, “Хамса”, “Зафарнома”, “Бобурнома”, “Кобуснома”, “Шохлар ва амирларнинг хулқ-атвори” ва шу каби тарихнинг бебаҳо ёдгорликларидан фойдаланилди.

- Республика Конституциясининг мукаддимасида Ўзбекистон халқи, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда Конституцияни қабул қилиши қайд этилди.

Конституцияга мувофиқ, меҳнатга қобилиятли, вояга етган болалар узларининг оналари тугрисида гамхурлик қилишга мажбурдирлар (66-модда).

- Бундай қоида факат бизнинг Конституцияда мавжуд. Ўзбекистон Республикаси конституциясига (37 - модда) биноан ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.
-

- Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексига биноан
 - (211-модда) барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиш корхона маъмуриятига юкланган, маъмурият замонавий хавфсизлик техникаси воситаларини тадбиқ қилиш, ишлаб чиқариш жароҳатларини ва касбий касалликларини олдини олиш учун санитария-гигиена шароитларини таъминлаши керак.
 - **1993 йил 6-майда “Меҳнат муҳофазаси” ҳақида қонун қабул қилинади.** Унга биноан ишчи жароҳатланиб иш қобилияти йукотилса, жабрланувчи бир йилик иш ҳақи миқдорида нафақа олади. Агар жароҳатланиб вафот қилса ўртача 10 йилик, лекин 6 йилдан кам бўлмаган (8, 194-модда) иш ҳақи миқдорида оиласига нафақа берилади.
-

- **Илмий фан сифатида “Мехнат муҳофазаси”** фанининг мақсади, максимал унумдорлигида, иш шaroитини тулик хавфсизлигини ва зарарсизлигини таъминловчи ташкилий ва техник тадбирларни ишлаб чиқади.

Мехнат шароитининг яхшиланиши социал натижаларга - яъни мехнаткашларнинг соғлигини яхшилаш, уз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, мехнат интизомини мустахкамлаш, ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятини оширишга олиб келади.

Мехнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган бирон бир янги машина ёки механизм ишлаб чиқаришга қабул қилинмаслиги керак. Шунингдек мехнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган бирор цех ёки корхона эксплуатацияга туширилмаслиги керак.

- **2. Мехнат муҳофазаси хақида қонунчилик асослари.**

Ўзбекистонда меҳнат муҳофазаси қўлаб қўнун чиқарувчи расмий хужжатлар билан белгилаб қўйилган бўлиб, тартибга солиб ва бошқариб турилади.

- Ўзбекистон Республикаси конституциясида, меҳнат хақидаги қонунлар асосларида меҳнат муҳофазасига оид асосий низомлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш давлат ахамиятига молик ишдир.

Ўзбекистон Республикаси конституциясида: Ҳар бир шахс”ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир” - дейилган.

- Ўзбекистон Республикаси конституциясига мувофиқ Давлатимиз фуқаролари, миллати ва ирқидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидирлар. Аёлларга эркақлар билан тенг ҳуқуқи берилган. Шароити оғир ва зарарли ишларда аёллар ва ёшлар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланади. Аёлларнинг тунда ва ишдан ташқари вақтда ишлашлари чекланган.



- Меҳнат ҳақидаги қонунлар асосларида, шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек, алоҳида ҳарорат шароитида бажариладиган ёки ифлосланиш билан боғлиқ ишларда ишлайдиган ишчи-хизматчиларга белгиланган меъёрларга мувофиқ бепул жамоқор, махсус пойафзал ва бошқа турдаги яққа тартибдаги химоя воситалари, сут ёки унинг урнини боса оладиган бошқа озуқа маҳсулоти берилиши кузда тутилган.
-

Мехнат муносабатларини тартибга солиш учун жамоа ва мехнат шартномалари тузилади.

Жамоа шартномаси ишчи ва хизматчилар номидан фабрика завод маҳаллий мехнат муҳофазаси инспекцияси кумиталари билан корхона, ташкилот маъмурияти уртасида тузилди. Унда мазкур ташкилот учун белгиланган мехнат ва мехнатнинг куйидаги асосий низомлари: иш вақти, дам олиш вақти, мехнатга ҳақ тулаш, моддий рағбатлантириш, мехнат муҳофазаси ҳақидаги низомлар қабул қилинади.

- Мехнат шартномаси мехнатқашлар билан корхона, муассаса, ташкилот уртасидаги битим бўлиб, унга кура мехнатқашлар узининг ихтисоси, малақаси ва мансаби доирасидаги ишни ички мехнат тартибига мувофиқ бажариш, корхона, муассаса, ташкилот эса мехнатқашга мехнат ҳақи тулаш, мехнат ҳақидаги қонунларда жамоа шартномаси ва томонлар битимида қўзда тутилган мехнат шароитини таъминлаш мажбуриятини олади.
-

- **Мехнат хакидаги конун маъмуриятга куйидаги вазифаларни юклайди:**

- 1. Соғлом ва хавфсиз иш шароитлари билан таъминлаш.
 2. Касбий касалликларни ва жарохатларни огохлантирувчи замонавий хавфсизлик техникаси воситаларини тадбик килиш.
 3. Ишчи ва хизматчиларни бепул химоя воситалари билан таъминлаш.
 4. Зарарли иш шароитларида сут ва махсус озиқ - овқатлар билан таъминлаш.
 5. Тиббий кўрикларини ўз вактида ва сифатли ўтказиб туриш.
 6. Йўриқномаларнинг барча турларини ўз вактида утказиб туриш ва мехнат кодексига биноан оғир ва зарарли ишларда **аёллар меҳнати такикланган.**
-

- Хомиладор аёлларга бола тугилишидан олдин 70 кун, тугилгандан кейин 56 кун отпуска берилади. 2 ва ундан ортик бола тугилса ёки тугилиш нономал булган холларда 70 кун отпуска берилади. Хозир хак туланадиган отпуска вакти 2 йилгача, уз хисобидан олинадиган отпуска 3 йилгача чузилган (233,234-моддалар) [8]. Хомиладор аёллар енгил ишларга ёки туликмас иш жойларига утказиладилар.

16 ёшга тулмаган ёшларни ишга кабул килиш такикланган. Айрим холларда 15 ёшдан хам ишга олиш мумкин. (мехнат мухофазаси инспекциясининг рухсати билан) (773 модда) [8]. Балогат ёшига етмаган (16 дан 18 гача) ёшлар учун кискартирилган олти соатли иш куни жорий этилган. Тунги ва асосий вақтдан ташкари кушимча ишлар таъкикланган.

- **2.3. Узбекистон Республикасида меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи ташкилотлар.**

Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунларнинг бажарилишини назорат қилиб туриш қуйидаги давлат ташкилотларига топширилган:

1. Меҳнат муҳофазаси Давлат инспекцияси;
 2. Давлат тоғ-қон назорати;
 3. Республика санэпидемстанция назорати;
 4. Давлат ёнгин назорати;
 5. Давлат энергия назорати.
-

- **4. Мехнат мухофазаси конунлари бузилганлиги учун жавобгарлик турлари.**

Давлат конунчилиги мехнат мухофазаси коида ва нормаларининг бузилиши учун катъий жавобгарлик белгилайди. Жавобгарлик турлари (3 турлидир):

1. Маъмурий жавобгарлик.

- (уялтириш, хайфсан эълон қилиш, вақтинча ёки бутунлай паст даражали ишга утказиш, имтиёзларни чеклаш.

2. Жиноий жавобгарлик.

Кويدанинг бузилиши бахтсиз ходисага олиб келса, бир йилгача ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиш ёки беш минимал окладгача штраф, ёки ишдан бушатиш чоралари қулланади.

Кويدанинг бузилиши тан жароҳатига ёки мехнат қобилиятини йукотишга олиб келса, 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш чоралари қулланади.

- Коиданинг бузилиши кишининг улимига ёки бир неча кишининг огир тан жарохатига сабаб булса, 5 йилгача озодликдан махрум булиши мумкин

- корхонадан чикаётган чикиндилар туфайли хаво ва сув хавзаларининг ифлосланиши учун 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига ёки беш минимал окладгача жарима туланади.

-

3. Моддий жавобгарлик.

Конунсиз равишда ишдан бушатилган, мажбурий иш колдирган, касбий касаллик туфайли жабрланган кишига туланган хакни рахбар лавозимидаги ходимдан қисман ёки тулик ундириб олиш.

• 5. Жарохат ва касбий касалликлар.

- Жарохат - тана аъзоларини ва туқималарни қутилмаган ҳолатда ташқи таъсир остида шикастланишидир.
- *Жарохатлар икки турли бўлади:*
 - 1 - ишлаб чиқариш жарохатлари
 - 2 - маиший жарохатлар.

Ишлаб чиқариш жарохатлари уз навбатида

- механик (уриб олиш, кесилиб кетиши, эзилиш ва х.к.);
 - кимиявий (химиявий қуйишлар);
 - иссиқлик (қуйиш ва музлатиб олиш);
 - электрик (электр зарбалар);
 - аралаш жарохатлар турларига бўлинади.
-

• **Жароҳатларни тадбик қилиш турлари.**

1. **Статистик тури.** Бу турда жароҳатларнинг қайтарилиши частота ва оғирлик нисбий курсаткичларида таққослаб баҳо берилади.

$$K_r = a * 1000 / b$$

бу ерда: K_r - жароҳатларнинг қайтарилиш частота коэффициентлари;

a - ҳисобот вақтида содир бўлган жароҳатлар сони;

b - ишловчиларнинг руйхат буйича сони;

1000 (10000, 100000) - ходимлар сони.

$$K_o = c / a$$

бу ерда: K_o - оғирлик коэффициенти;

c - ишга яроқсизлик туфайли йукотилган кунларнинг умумий сони.

- **2. Монографик тури.**

- Бу ерда энг хавфли хисобланган участка, цех ёки машина танлаб олинади ва хар тарафлама синчиклаб урганилади. Масалан, машина булса, хом-ашёнинг берилиши, тайёр махсулот чикарилиши, технологияси, кинематикаси, электр схемаси, чикиндилар чикиши, эксплуатацияси ва х.к. Натижада, нафакат булиб утган, балки булиши мумкин булган, бахтсиз ходисалар сабаблари хам аникланади. Бу бахтсиз ходисаларни камайтириш буйича тадбирлар тузиш имконини беради.

• 3. Топографик тури.

- Бу тури булиб утган бахтсиз ходисаларни жойлари буйича урганиш имконини беради. Бутун бахтсиз ходисалар цех ёки корхона планига маълум белгилар билан белгиланиб берилади. Йилнинг охирида белгилар сонига караб энг хавфли участка аниклаб олинади. Бунга караб профилактик тадбирлар белгиланади.

• 4. Иктисодий тури.

- Бу турда корхонанинг жарохатлар туфайли курган зарари, хамда бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш тадбирларининг социал-иктисодий самарадорлиги бахоланади.
-

• **Асосий адабиётлар**

1. Benjamin O. ALLI. Fundamental principles of occupational health and safety. Geneva. 2008.
2. Jeremy Stranks. Health and Safety Pocket Book. Published by Elsevier Ltd. 2006.
3. S.Gazinazarova, E.Ibragimov, O.Yuldashev, S.Asilova. Hayot faoliyati xavfsizligi. T.: 2010.
4. S.Gazinazarova, I.Axmedov, B.Muxamedgaliyev, A.Xojiyev. Ekologik xavfsizlik. T.: 2013 y.
5. I.Axmedov. Ishlab chiqarish jarayonlari xavfsizligi. T.: 2012 y.
6. Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. – T.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
7. T.Haydarov. Ergonomik biomexanika. T.: 2011 y.
8. Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik. -T.: Iqtisod-moliya. 2011. -260b.

9. Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilxomov M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» O'quv qo'llanma. –T.: “Iqtisod-moliya”, 2005. -195 b.

10. Норхўжаев А.Қ., Юнусов М.Ю. Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари. –Т.: „Университет”, 2001.

11. Тожиев М.Х., Нигматов И ва б. "Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси". Ўқув қўлланма. –Т.: МЧЖ., Таълим манбаи, 2002. -224 б.

12. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқаро муҳофазаси - доимий зарурат. –Т.: 2002.

16. “Меҳнат Кодекси”. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2005 й., 37-38 - сон.

17. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2002 й., 1-сон.

18. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг қарори № 286, 06.06.1997, – Т.: 1997.

19. “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон.

20. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, –Т.: 2009 й., 16-сон.

• Назорат саволар?

- 1. Мехнат муҳофазасини ривожлантиришда хисса қўшган баболаримиз?
- 2. Ўзбекистон Республикаси қачон қабул қилинган?
- 3. Конституциямизни лойихалашда қандай тарихий бебаҳо ёдгорликларидан фойдаланилган?
- 4. Конституциямизнинг 66 ва 37 моддаларида нима дейилган?
- 5. “Мехнат муҳофазаси” ҳақидаги қонун қачон қабул қилинган?
- 6. Илмий фан сифатида “Мехнат муҳофазаси” фанининг мақсади?
- 7. Мехнат муҳофазасида аёллар ва балоғатга етмаган ёшларга бериладиган енгилликлар?
- 8. Мехнат муҳофазасини назорат қилувчи ташкилотлар?
- 9. Мехнат муҳофазасида жавобгарлик турлари?
- 10. Мехнат муҳофазасида жароҳатлар турлари?